

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ислам Каримов
Корея Республикаси Президенти
Ким Дэ Джунгнинг таклифига
биноан шу йилнинг 4-6 октябрь кунлари
давлат ташрифи билан Корея
Республикасида бўлади.



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 1 октябрь, жума № 138 (785)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА
ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ислам КАРИМОВ: МАҚСАДИМ, БАХТИМ - ХАЛҚИМ, ЮРТИМНИНГ ТИНЧЛИГИ!

Фарғона қардош Қирғизистонга чегарадош вилоятларимиздан. Ўзбек ва қирғизлар бу ерда азал-азалдан ёнма-ён умригузаронлик қилишади. Бир ариқдан сув ичадилар. Бир пайкалнинг бу бошида ўзбек бўлса, у бошида - қирғиз. Бозор - бир, мазор ҳам бир, шодлик ҳам, ташвиш ҳам ўртада.

Мана икки ойдики, мана шу ён қўшимиз хонадонидан нотинчлик: халқаро террорчилар тўдаси тоғли Боткен туманида, бошқа қатор ҳудудларда ғайриинсоний хатти-ҳаракатлар, ғаламисликлар билан аҳоли тинчлигини бузишяпти. Бу хатарли ўйин, хавф фақат Қирғизистон ҳудудида қолиб кетади, деб ўйлаш калтабинликдир. Чунки, бир хонадондан ўт қочса, бу офат қўшни хонадонга ҳам ўтиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Хушёрлик ва яна хушёрлик керак.

Президент сифатида миллат, мамлакат тақдири учун масъулиятни зиммасига олган юртбошимизнинг 30 сентябр куни Фарғона вилоятига қилган са-



фарини, аввало, юқорида зикр этилган сабаблар билан изоҳлаш мумкин.

Ислам Каримов Шарқий ҳарбий округ штабида ҳарбийлар, чегарачилар, миллий хавфсизлик хизмати, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари билан аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, мамлакат мудофаасига доир масалаларни муҳокама этди.

Президент вилоятнинг Қирғизистонга чегарадош ҳудудларидан Риштон, Ровот божхона масканлари, чегара постларини бориб кўрди. Сарҳадларимиз посбонларининг жисмоний, ҳарбий-сиёсий тайёргарликлари, турмуш шароити билан танишди.

Президент Ислам Каримов Фарғона сафаридан қайтар экан, Қўқон аэропортида Ўзбекистон

телевидениеси учун интервью бериб, жумладан, бундай деди:

- Минтақамизда бош кўтарган террорчилик ҳаракатини таг-томири билан олиб ташлаш учун биз Қирғизистон ҳукуматига, қирғиз халқига бундан кейин ҳам ёрдам берамиз. Бунинг учун бизда барча имкониятлар бор.

Оддий халқ вакиллари билан билдираёт-

ган ишончлари, беғараз, чин юракдан чиққан сўзлари ғайратимга-ғайрат, кучимга-куч қўшади. Аввал ҳам айтганимдек, мен учун халқим, юртим тинчлигидан ҳам улуғроқ нарсадир. Бахт йўқ!

М.РАХМОНОВ
(ЎЗА)
Суратда:
ташриф пайти.
Ф.ҚУРБОНОВ (ЎЗА)
олган сурат

ри билан ҳамкорликда ақсарият давлат масканларида ходимларнинг меҳнат шaroитларини яхшилаш, хотин-қизлар учун соғлом, хавфсиз меҳнат, маиший шaroитларни яратиш мақсадида аниқ тадбирларни амалга ошириш керак. Бундан жойлардаги иш берувчи билан бошланғич касабаси уюшмалари ўртасида жамoa шaroитларини тузиш, уларнинг бандларини оғишмай бажаришга эътибор қўйиш керак.

Шу билан бирга муҳокамага қўйилган масалаларда жиддий камчиликлар, ечимини кутаётган муаммолар мавжудлиги аниқ мисоллар ёрдамида қўрсатиб ўтилди. Хусусан, жорий йилнинг ўтган саккиз ойи давомида ўлим билан тугаган бахтсиз ҳодисалар содир этилди. Ташвишлик шуки, бу каби бахтсиз ҳодисаларнинг кўпчилиги вилоят соғлиқни сақлаш бошқармалари йиғилишларида муҳокама қилинмаган, айбдор шахсларга нисбатан тегишли жазо қўрилмаган.

Авиация тизимидаги айрим иш жойларидаги меҳнат ва ишлаб чиқариш шaroити ҳали қонқарли деб бўлмади. Касблари анча мураккаб бўлган ишчиларни ўқитиш, билимини текшириб қўриш, ишга жойлаштиришда расмийлик, юзакчилик мавжудки, улар пировард-натияда қимматга тушмоқда. Баъзи корхоналарда ходимлар ўртасида йўриқномалар қамдан-қам ўтказилади. Уларнинг мати бугунги кун талаблари ҳисобга олинмай тузилган. Буларнинг ҳаммаси тараққийга салбий таъсирини ўтказмоқда.

Йиғилишда Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси раисининг III курултойини шу йил 24 декабрда ўтказиш юзасидан қарор қабул қилинди.

Шу кунни бўлиб ўтган кенгаш йиғилишида Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясига бирлашган касабаси уюшмаларининг учинчи курултойига тайёргарлик қилиш ва ўтказишга оид тадбирлар, касабаси уюшма ташкилотларида ҳисобот-саноатларнинг бориши ва бошқа долзарб масалалар атрофида муҳокама этилди. Қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Жиззах шаҳрида истикомат қилувчи фуқаро Лилия Тоқарева касабаси уюшмалари Жиззах вилоят кенгашининг меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлимига мурожаат қилиб, ўғли Анатолийнинг «Уздунробита» қўшма корхонаси Жиззах филиалида штат қисқаришига тушгани, лекин мазкур корхона ўғли билан ҳисоб-китобчи тўғри қилмаганини баён этди.

Мазкур ариза юзасидан ўтказилган текширишда ҳақиқатан ҳам ишчи А.Тоқаревнинг штат қисқариши ҳақида Ўзбекистон Республикаси меҳнат кодексининг 67,102,109-моддалари

дан бўён ҳайдовчилик қилиб келаман. Сунгги пайтларда олийк маошимни ололмадсан келардим. Вилеят касабаси уюшмалари кенгаши аралашувида сунг 38 минг сўмлик туланиб қолган маошимни олишга эришдим. Кенгашнинг Турсунбой Ниезов етакчилигида бўлимига минтақадорчилигини билдираман».

Мазкур тақсонлар ҳайдовчилари А.Фазилжонов, У.Содиқов, «Жиззахлар» корхонасидан Н.Худоберов, Т.Мамадалиев, «Жиззахпайпок» қўшма фаб-

риқасидан Э.Турсунновлар ҳам вилеят касабаси уюшма кенгашига мурожаатларидан сунг олийк маошларини олганликларини минтақадорчилик билан баён этишади.

- Мурожаатлар фақат ёзма тарзда эмас, оғзаки ва телефон орқали ҳам бўлиб турибди, - дейди меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири Т.Ниезов, - масалан, Тошкентдаги сув иншоотлари қуриш маъсуи механиканинг қўшма кенгаши Жиззах уюш-

масалалар атрофида муҳокама этилди. Қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

А. АЗИМОВ,
«Ишонч» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаган шахсларни Қуролли Кучлар, чегара, ички ва қоравул қўшинлари сафларидан захиргага бўшатиш ҳамда фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги чақириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ва «Муқобил хизмат тўғрисида»ги Қонунарига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаган шахслар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари, чегара, ички ва қоравул қўшинлари сафларидан захиргага бўшатилинсин.

2. 1999 йил октябрь-ноябр ойларида 1972-1981 йилларда туғилган, чақириқни кечкиртириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақирилсин.

Вазирлар Маҳкамаси Раиси **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1999 йил 29 сентябр.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ РАЁСАТИДА

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгашининг Раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Федерация Кенгаши раиси Дилбар ЖАХОНГІРОВА олиб борди.

Йиғилишда Қирғизистоннинг Боткен туманидаги воқеалар, жангариларнинг ёвузликлари, ҳозирги шaroитда касабаси уюшмалари барча бўғинлари олдига турган долзарб вазифалар ҳусусида атрофлича гап борди. Қайд этилганидек, энди сир эмаски, Қирғизистон Республикаси жанубида қилинаётган найрағбозлик ортда экстремистик кучлар турибди. Расмий маълумотларга кўра террорчиларнинг Тожикистон Республикаси ҳудудида Қирғизистон Республикаси ҳудудига суқилиб қолган ҳодиса эмас. Бу кўп вақт мобайнида пухта тайёргарлик қўрилган операциядир. Ёзувлар нияти қандай қилиб бўлмасин, Марказий Осиё минтақасида нотинчлик келтириб чиқариш, қондош-жондош халқлар ўртасига низо солишидир.

Бундай шaroитда энг оммавий жамоат ташкилотини бўлиши касабаси уюшмалари ходимлари ҳам Боткен воқеалари бизнинг юртимизда таърирланмаслиги учун хушёрликни ўн чандон оширишлари, ўз уйимиз, маҳалламиз, демакки, жондан азиз она юртимизни бало-қазолардан асраш юзасидан олиб борилаётган сай-ҳаракатларнинг олдинги сафида бўлишлари лозим. Мақсадга эришишда фуқароларимизнинг сиёсий етуклиги, фидойилиги, мустақиллик эътиқоди, Ватан олдидаги бурчини чуқур англай билиши, қолверса, ҳар бир жамоаддаги соғлом муҳит, ҳамкорчилик ҳаракатини муҳим рол ўйнайди. Энг муҳими, бўлаётган воқеалар меҳнатқарорли оғиш-шурига чуқур сингдирилиши, олдинкидаги мақсад ва вазифалар синчиқлаб тушунириб борилиши лозим.

Бирок, Раёсат йиғилишида адолатли тарзда таъкидланганидек, ҳали касабаси уюшмалари бу борада қўрилган оғиш-шурига қимлатилган ҳамон эскича услуб, боқимандалик кайфияти ланг бермоқда. Айрим етакчилар эса кабинетларда уралашиб, кенг оммадан, ўшунинг ҳаётдан узилиб қолмоқдалар. Пировард-натияда баъзи касабаси уюшма қўмиталари ўзларини меҳнатқашлар

манфаати ҳақ-ҳуқуқининг устивор ҳимоячиси сифатида нафосан эта олмаптилар. Йиғилишда тарғибот гуруҳлари тузиш ва улар фаолияти орқали юқоридан қўйилган бўлган касабаси уюшма қўмиталари вакилларининг ҳар бир корхона, ҳужалик, муассаса, илм маскани, маҳаллаларга ўз таъсирини ўтказишлари эришиш, омма билан алоқани мустақамлаб, тарғибот-ташвиқот ва кенг тушунириш ишларини янги-ча талаблар даражасига кўтариш таклифи илгари сурилди. Шунга эришиш керакки, ҳар бир меҳнатқарорли муқаддас ташвиши, орзу-интилишларидан бохабар бўлиб, лозим бўлганда уларни қўллаб-қувватлаб, мушқулларини осон этиб, муаммолар жойида хал қилинсин. Муқтарам Президентимизнинг «Оғоҳ бўлайлик!» деган даъвати бутун вужудимизни қамрасин. Зийраклик, хушёрликни ошириб, кучақийдаги, маҳаллалардаги, идораларимиздаги бегона кишилар хатти-ҳаракатига бефарқ бўлмайлик. Маъмурий органлар ҳодимлари билан ҳамжиҳат ҳаракат қилиб, ҳар қандай қорақўллик, қонунбузарликларга қарши мурокасиз курашайлик. Шуларимизни «Хизбут-т-тахрир» каби диний экстремистик рўҳдаги оқимлар таъсиридан ҳимоя қилмайлик. Мақсадга эришишда касабаси уюшмаларида уюшқоқлик, ўз-ўзини танқид рўҳида ўлаётган ҳисобот-саноат конференцияларидан унумли фойдаланайлик.

Раёсат йиғилишида соғлиқни сақлаш ҳамда авиация тизимлари муассасаларида ишлаётган хотин-қизлар учун соғлом, хавфсиз меҳнат ва ишлаб чиқариш шaroитларини яратиш борасида ҳужалик раҳбарлари ва касабаси уюшма қўмиталарининг ишлари тўғрисидаги масала ҳам атрофлича муҳокама этилди.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш, авиация ходимлари касабаси уюшмалари Марказий, вилеят ва бошланғич қўмиталари, идоралар, корхоналар, ташкилотлар раҳбарлари

қаси ишчилари Хасан ва Хусан Сафоевлар телефон қилишиб, бўлимига мурожаат қилишган эди. Айтишларича, улар 60 минг сўмлик иш ҳақларини ололмаётган экан. Аралашувида сунг бу масала ижобий ҳал этилди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида бўлимига жойлардан 33та ёзма, 24та оғзаки мурожаатлар келди. Уларнинг деярли барчаси амалдаги қонун талаблари асосида муддатда қуриб чиқилиб, ҳал этилди, бир қисмининг бажарилиши назоратга олинди.

А. АЗИМОВ,
«Ишонч» мухбири.

Мамлакат парламенти ва Президенти сайловлари яқинлашгани сайин унга бўлган қизиқиш тобора ортмоқда. Нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари, хорижий кузатувчилар ва журналистлар ушбу сайловларнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти билан ғоят қизиқмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги матбуот конференциясида ана шу ҳақда гап борди.

САЙЛОВЛАРНИНГ АҲАМИЯТИГА БАҒИШЛАНДИ

Марказий сайлов комиссияси раиси Н.Комилов анжуман иштирокчиларини жойларда сайловларга тайёргарлик қандай бораётгани билан таништирди. Сайловлар ва уларни ўтказиш тўғрисидаги қонун-қодалар ўзбек, рус ва инглиз тилларида кўп нусхада чоп этилган, халқаро кузатувчилар учун махсус йўриқномалар ишлаб чиқилганини маълум қилди.

Анжуманда сайловларнинг демократик таъминлаш асосида адолатли ва ҳаққоний ўтишини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқисс эканига алоҳида эътибор қаратилди. Журналистлар сайловларнинг аҳамиятини тарғиб ва ташвиқ қилишда, номзодларнинг фаолияти ва дастурини ёритишда тенглик, ошқоралик, ҳолислик мезонларига қатъий амал қилишлари лозимлиги таъкидланди.

(ЎЗА)

Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаати - касабаси уюшмалари назоратида

ИШ ҲАҚИНИ «ТУЯ» ҚИЛИШДИ

Жиззах шаҳрида истикомат қилувчи фуқаро Лилия Тоқарева касабаси уюшмалари Жиззах вилоят кенгашининг меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлимига мурожаат қилиб, ўғли Анатолийнинг «Уздунробита» қўшма корхонаси Жиззах филиалида штат қисқаришига тушгани, лекин мазкур корхона ўғли билан ҳисоб-китобчи тўғри қилмаганини баён этди.

Мазкур ариза юзасидан ўтказилган текширишда ҳақиқатан ҳам ишчи А.Тоқаревнинг штат қисқариши ҳақида Ўзбекистон Республикаси меҳнат кодексининг 67,102,109-моддалари

дан бўён ҳайдовчилик қилиб келаман. Сунгги пайтларда олийк маошимни ололмадсан келардим. Вилеят касабаси уюшмалари кенгаши аралашувида сунг 38 минг сўмлик туланиб қолган маошимни олишга эришдим. Кенгашнинг Турсунбой Ниезов етакчилигида бўлимига минтақадорчилигини билдираман».

Мазкур тақсонлар ҳайдовчилари А.Фазилжонов, У.Содиқов, «Жиззахлар» корхонасидан Н.Худоберов, Т.Мамадалиев, «Жиззахпайпок» қўшма фаб-

риқасидан Э.Турсунновлар ҳам вилеят касабаси уюшма кенгашига мурожаатларидан сунг олийк маошларини олганликларини минтақадорчилик билан баён этишади.

- Мурожаатлар фақат ёзма тарзда эмас, оғзаки ва телефон орқали ҳам бўлиб турибди, - дейди меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири Т.Ниезов, - масалан, Тошкентдаги сув иншоотлари қуриш маъсуи механиканинг қўшма кенгаши Жиззах уюш-

А. АЗИМОВ,
«Ишонч» мухбири.

БОТКЕН: ҚАТЪИЙ ҲАРАКАТЛАР ДАВРИ

Қирғизистон жанубидаги бугунги вазият террорчи гуруҳлар билан кураш сунгги босқичга кирганидан далолат бермоқда. Террорчиларнинг қароргоҳлари, асосий таъминот йўллари бомбардирон қилинмоқда, Қирғизистон Мудофаа, Ички ишлар ва Миллий хавфсизлик вазирликларининг махсус қисмлари жойларда «тозалаш» ишларини амалга оширмоқда.

Қирғизистон Мудофаа вазири Эсен Топоев «Вечерний Бишкек» газетасига берган интервьюсида террорчиларнинг Қирғизистон ҳудудида қишлоғига асло йўл қўймаслигини таъкидлади. Унинг айтишича, хозирги пайтда Чўн-Олой, Хайдарқон ва Боткен-Лайлак йўналишларида босқинчиларнинг бошқа туманларга ва Ўзбекистон ҳудудидаги ўтиш йўллари тамомила тўсилган. Чекиниш йўллари ҳам назорат остида. Илгари бу йўллар фақат самолёт ёрдамида кузатишга бўлса, эндиликда чегара қисмлари қўйилган. Вазирнинг таъкидлашича, Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳарбийлари билан биргаликда босқинчиларни ўраб олиш ва тамомила қириб ташлаш режалари тузилган.

Қирғизистон матбуоти хабарларига кўра, террорчилар ҳамон Боткен туманининг Зардоли, Қўрғон ва Ҳўжа-Очкан қишлоқларида турибдилар. Қундузлари улар тоғ ичида яширинадилар ва кеч кириши билан қишлоқларга қайтадилар. 17-18 сентябр кунлари Қирғизистон чегара қисмлари билан бўлиб ўтган шиддатли жангларда Абдулазиз Йўлдошев ва бошқа бир неча йўл бош-

ловчининг ўлими босқинчиларни саросимага солиб қўйди. Улар орасида тушқулик, парокандалик авж олди. Ўз ҳаракатларининг беҳуда эканлигини ҳис қила бошладилар. Баъзи маълумотларга қараганда, жанговар ҳаракатлар бўлаётган жойдан узокроқда туришни маъқул билган /жон ширин-да/ Жума Намангоний террорчи тўдаларнинг руҳини кўтариш учун Боткен туманига келган. Аммо тоғларга тушган қор ва совуқ, таъминотнинг қийинлашаётганлиги ва Тожикистонга чекиниш йўллариининг тўсилаётганлиги босқинчиларни тобора ваҳимага солмоқда. Охириги тўқнашувлар пайтида асирга тушиш ҳоллари кўпаяётганлиги ҳам ана шундан далолат беради.

Қирғизистон ҳукумат қўшинлари гаровга олинганларнинг ҳаётини хавф остига қўймастлиги учун ҳозиргача қатъий ҳаракатлар қилмаётган эди. Аммо кейинги маълумотларга қараганда олинганларнинг Гаровга олинганларнинг Тожикистон ҳудудидаги қароргоҳга олиб кетилганлигини тасдиқламоқда. Террорчиларнинг раҳнамолари гаровдагилар учун мўмайгина пул олиш ниятидан қайтганлари йўқ. Ана шу ўлжандан қуруқ қолиш хавфи тўдалар раҳбарлар орасига нифоқ солмоқда.

Насриддин МУХАММАДИЕВ (ЎЗА)

Муносибат

ОГОҲЛИК ОИЛАДАН БОШЛАНАДИ

Бизга гўдаклигимиздан «чумолининг инини ҳам бузма», деб ўргатишган. Бу ҳақда Куръони карим оятларида ва пайгамбаримиз ҳадисларида ҳам айтилган. Аммо, бу не кўргиликки, ана шу ҳикматлардан руҳий озик олган авлоднинг баъзи нонкўр фарзандлари бугун кўлга қурол олиб, ўзи ҳам охиригача тушуниб етмаган гоғлар йўлида тинчликка таҳдид солса?! Мен бугун Қирғизистон ҳудудида суқилиб кириб олган, жангарилар деб аталмиш манфур тўдаларни назарда тутяман, албатта. Очиги, уларнинг ота-оналарига ачинаман. Билмадим, қандай бош кўтариб юришибди экан улар? Халқ лаянатиинг қатта қисми шуларнинг бошига ёғилаётирки, бу барчани сергак тортиради...

Беихтиёр савол туғилади: Хўш, уша тўдалар нимага умид қилишмоқда? Ҳеч замонда халқ хоши-иродасини букиб, уни ўзи танлаган йўлдан қайтариб бўларканми! Мақсадимиз эса оф-

тобдай равшан - келажаги буюк давлат куриш. Бу давлатда барча эмин-эркин, Қомусимизга зарҳал харфлар билан битиб қўйилган эътиқод эркинлигидан, билим олиш, меҳнат қилиш ҳуқуқларидан тўла фойда-

ланган ҳолда яшамокда. Шундайки, мустақил давлатнинг суверенитетига, ҳудудий дахлсизлигига таҳдид унда яшаётган халққа, унинг орзу-умидларига тажовуз қилиш демекдир. Қирғизистон жанубидан олинаётган хабарларда жангариларнинг бедодлигидан ҳозирнинг ўзида қанчадан-қанча аҳоли яшаб турган уй-жойларини ташлаб кетишга мажбур бўлган. Жони халак, моли талон-тарожга учраган яна қанчалаб одамлар-чи?

Албатта, террорчиларнинг бу хуружи даф этилади. Бунга шак-шубҳа йўқ. Лекин бизнинг энди хотиржам яшашга ҳаққимиз йўқ. Огоҳлик ўзимиз яшаб турган уйдан, ўз оиламиздан

бошланиши керак. Иш ва турли юмушлар билан ҳар қанча банд бўлсак-да, ўғил-қизимизнинг қадам босишини назардан қочирмаслигимиз, «тарбиявий соат» учун вақт ажратишимиз даркор. Шундагина тинч ухлаймиз, шундагина хавотирсиз яшаймиз, шундагина эртанги кунимиздан хотиржам бўлаемиз.

Айни чоғда ғаламислар, ичдан бузғунчилик қилишга умид боғлаётганлар шуни яхши билиб қўйсинлар: қафасдан чиққан қушнинг парвози баланд бўлади. Уни уриб туширмаман деб бекорга овора бўлмасинлар.

Эсонбой РАЖАБОВ, Қашқадарё вилояти касаба уюшмалари кенгаши раиси.

Биз, Наманган вилоят ҳокимлигининг ижтимоий таъминот бошқармаси жамоаси ва унинг ҳудудий тизими ишчи-хизматчилари сиёсий шарҳловчи А.Бобоевнинг «Ишонч» газетасида чоп этилган «Тажовуздан кўзланган мақсад нима?» сарлавхали мақоласини таъсирлиб, ўқиб чикдик. Унда Қирғизистоннинг Боткен туманида юз берётган воқеалар сабаблари таҳлил этилган.

Ҳалқимизда «Кўшнинг тинч, сен тинч» деган мақол бор. Кўшни мам-

Биз ҳуқуқий-демократик давлат кураётганимиздан, истиқлол ту-

ЖАНГАРИЛАР ХОМТАМА БЎЛИШМАСИН

лакатда чиққан ўт бизга ҳам ўз таъсирини ўтказиши мумкин. Шу боис, барчамиз хушёрликни ошириб, воқеаларни кузатиб бормоқдамиз. Равшанки, ўз ватанида жуда кўп жиноятлар қилган, халқ нафратига учраган жангарилар эъравалик билан тарих гилдирагини орқага қайтаришга, мустақиллик берган неъматларни йўққа чиқаришга уринмоқдалар. Террорчилар орқасида катта куч турганлиги энди ҳеч кимга сир эмас. Қора ниятли кимсаларга айтадиган гапимиз шу: «Хомтама бўлманг, тарих гилдирагини ҳеч ким орқага қайтара олмайдми».

файли асрий орзуларимизга эришаёганимиздан фахрланамиз. Мамлакатимизда давлатимиз раҳбари раҳнамолигидан амалга оширилаётган ички ва ташқи сиёсатни қизгин қўллаб-қувватлаймиз. Фаолиятимизни янада жонлантириб, ёрдамга муҳтож кишиларни ижтимоий ҳимоялаш юзасидан қабул қилган тадбирларни янада изчил амалга оширамиз. Чегараларимиз мустаҳкам, Қуролли кучларимиз қудратли, тинч-осуда ҳаётимизга ҳеч ким раҳна сололмайдми.

Олимжон ЖАҚБАРОВ, бошқарма бош иктисодчиси, касаба уюшма кўмитаси раиси.

КўЧАМИЗДАГИ БЕГОНА КИМ?

Кейинги пайтларда Россия Федерациясидаги кўпоровчилик ҳаракатлари, кўшимиси Қирғизистоннинг Боткен туманида динни никоб қилиб жойлашиб олган халқаро террорчилар гуруҳи уюштириётган босқинчилик ҳаракатлари республикамиз фуқароларини бефарқ қолдирмаётир. Хусусан, мамлакатимиз халқ осойишталигини, юртимиз тинчлигини таъминлашда Қуролли кучларимиз катори Ички ишлар ходимлари ҳам ҳар қачонгидан хушёрроқ, сергак бўлиб туришибди. Маҳаллаларда, ўқув масканларида, жамоат жойларида бу борада қатор тадбирлар ўтказилмоқда.

ИИБ матбуот Марказининг хабар беришича, махсус гуруҳлар тузилиб, «Тозалаш» текширув назорати йўлга қўйилган. Масалан, Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси ходимлари билан ҳамкорликда пойтахтимиз ётоқхоналарида расмийлаштирилмаган (қонунсиз яшаб келаётган)лар ўрганиб чиқилди. Кўп қаватли турар жойлардаги ертўлалар ва томга чиқиш йўлақлари текширилди. Коммунал хизмати кўрсатиш идоралари мутасаддилари, маҳалла кўмиталари раислари иштирокида камчиликларни бартараф этиш чоралари белгиланди. Шубҳали ёки бегона кишилар аниқланиб қолган тақдирда, зудлик билан хабар бериш учун аҳолига махсус телефон рақамлари берилди.

Аммо шуни айтиш керакки, ҳали ҳам айрим фуқароларимиз руҳиятида эътиборсизлик, лоқайдлик мавжудлиги ташвишланарли ҳолдир. Бок-беғамлар ўзларига ҳам, жамиятга ҳам зарар келтиришлари мумкин. Чунонки, 22-сентябр кун Чилонзор туманида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган О.Золотарёвга тегишли бўлган автомобил турар жойидан бир дона «Ф-1» ўқув гранатаси, 5 та шу граната запаллари, 2 дона тўтун тарқатувчи шашка, 16 дона кичик қолиб-ри милтиқ ўқлари, 1 дона снайпер ўқдони топиб олинди.

Тошкент шаҳрининг Миробод туманида ўтказилган тадбирлар натижасида ҳеч қаерда ишламайдиган Ш.Жўраевнинг ёнидан 51,37 грамм героин ва 13,88 грамм опий моддалари топилди. Ҳозир иккала шахс устидан тергов ишлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, пойтахтнинг Юнусобод туманидаги «Олой» дехон бозори автомобиллар шохбekaтида Собир Рахимов туманида истиқомат қилаётган иккинчи гуруҳ ноигрони, Т.Васинов бир килограмм 400 грамм порохни ҳеч қандай ҳужжатсиз сотаётганида ушланди. Бу шахс устидан ҳам текширув ишлари ўтказилмоқда.

Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Бироқ, осмонимизнинг мусаффолигини, элимизнинг осойишта турмушини таъминлашда барчамиз хушёр бўлмоғимиз лозим.

Муродулла ҒАҒУРОВ.

Мана, икки ойдан кўпроқ вақт бўлдики, оммавий ахборот воситаларида Қирғизистон жанубидаги воқеаларга доир турли хабарлар, таҳлилий мақолалар, сиёсий шарҳларни ички дарад, ташвиш билан кузатиб бораётимиз. Эртага нима бўлади, кейин-чи, деган саволни бермоқда ҳар ким ўзига.

Тан олиш керак, йўл-бўйичимиз мамлакатимиз истиқлолга эришгандан буён барчамизни экстре-

ЁВУЗЛИКНИНГ УМРИ ҚИСҚА

мистлар, ақидапарастлар, мутаассиблар, террорчилар ва бошқа ҳаракат, оқимлар ҳавфидан огоҳлантириб, сергакликка чақариб келадилар. Тошкентда юз берган 16 феврал воқеалари йўлбўйичимиз нақадар ҳақ эканлигини тасдиқлади. Айни пайтда бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан жамоатчилик вакиллари ҳамкорлигида кенг қамровли тадбирлар амалга ошириляётир. Бу - кўнгилга таскин беради, албатта. Бироқ, чегараларимизга яқин жойларда-

ги уруш ҳаракатлари тинчлигимизга раҳна солмоқда. Айниқса, жангариларнинг қариялар, аёллар, ёш болаларни аямаётгани, хонадонларни талон-тарож қилаётгани ва бошқа шафқатсизликлари халқимиз нафратини кўзгамокда. Қўлида энг замонавий қурол-яроғлар билан ҳимоясиз қишлоқларга ҳужум қилиш но-мардликнинг ўзи эмасми?!

22 сентябрдаги маълумотларга қараганда, Зардоли воҳасида яшовчи 5 минг нафардан зиёд киши, шу жумладан, 600 нафарга яқин ўқувчилар жангарилар топтаган жойлардан иссиқ

гўшаларини ташлаб чиққанлар. Бир сўз билан айтганда жангарилар ва уларнинг ҳомийлари ўз хатти-ҳаракатлари билан ҳақиқий афт-башараларини фош этиб қўйдилар. Бу ҳам бир сабоқ. Дин шунчаки бир никоб эканлиги эндиликда ҳеч кимга сир бўлмай қолди. Очик майдонда эса ҳамisha адолат зулматни маҳв этиб келган, шак-шубҳасиз, бу гал ҳам шундай бўлади.

Малика ЖАЛИЛОВА, Ўзбекистон маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кўмитаси раиси.

БИЗДАН СЎРАБСИЗ

Саволларингизга ҳуқуқшунос Ҳамидулла ПРЕМҚУЛОВ жавоб беради

Савол: 1990 йилда ёшга доир пенсияга чиққанман. 1985 йилдан бери ҳозирги давргача шифохонада санитар бўлиб ишлаб келмоқдаман. Менга пенсиями 100 фоиз тўлашмаяпти. Шу тўғрими?

Муассар ИСАМАТОВА Сирғали тумани.

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 17 мартдаги «Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида «1999 йил 1 июлдан бошлаб, аёллар ёшга доир пенсияга чиққандан кейин ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари, профессорлар, ногирон болаларнинг интернат уйларида, «Меҳрибонлик» уйларидаги тарбиячилар, шунингдек, кутубхоначилар сифатида ишлашни давом эттираётган ва пенсияга чиқиш олдидан мазкур мутахассисликлар бўйича камидан ўн йил стажга эга бўлган ҳолларда уларнинг пенсияларини тўлиқ миқдорда олиш ҳуқуқи сақлаб қолинади» деб кўрсатилган.

Сизга пенсиянгни 100 фоиз тўланаётгани тўғри, чунки Сиз пенсияга чиқшдан олдин талаб этилган санитарлик стажингиз 10 йилга тўлмаган.

Савол: 1999 йил 19 июлдаги Президентимизнинг «1 августдан бошлаб пенсияларни 1,4 баравар ошириш тўғрисида»ги Фармони чиққан эди. Лекин менинг пенсиям 1 августдан бошлаб ижтимоий таъминот бўлими ходимлари томонидан 1,32 га оширилди. Шу тўғрими?

Усмонбеков, Тошкент шаҳри, Т. Исмоилов, Куйичирчиқ тумани.

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 19 июлдаги «1999 йил 1 августдан бошлаб иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармонида «1999 йил 1 августдан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги пенсияларнинг, олий ўқув юрталари талабалари, ўрта махсус ва хунар-техника ўқув юрталари ўқувчиларининг стипендиялари ва ижтимоий нафақалар ўрта ҳисобидан 1,4 баравар оширилсин» дейилган.

Шунингдек, 1999 йил 1 августдан бошлаб барча турдаги пенсияларни ўрта ҳисобдан 1,4 баравар ошириш, уларни амалдаги қонунчиликка асосланиб қайта ҳисоблашни кўзда тутган ҳолда 1991 йил 1 январга қадар ҳамда кейинги йилларда тайинланган пенсиялар миқдорини тенглаштиришни ҳисобга олиб, амалга ошириш назарда тутилган. 1970-80 йилларда ҳалол меҳнат қилиб, юқори миқдорларда тайинланган пенсиялар 1990 йиллардан кейинги даврларда тайинланган пенсия миқдорларидан (бозор иқтисодиётига ўтиш муносибати билан) анча паст бўлиб қолган эди. Фармонда белгилаб қўйилганидек, 1991 йил 1 январгача тайинланган пенсияларнинг деярли ҳаммаси 1,4 ва ҳатто ундан ҳам кўпроқ оширилди.

Сизнинг пенсиянгни 1991 йилдан кейинги даврдаги ойлик иш ҳақи бўйича ҳисобланган бўлгани учун 1,32 бараварга тўғри оширилган.

Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 19 июлдаги «1999 йил 1 августдан иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақаларнинг миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармонида асосан пенсия ва ижтимоий нафақаларни қайта ҳисоблаш ва тайинлаш бўйича қўлланма ишлаб чиқилган. Қўлланмада 1999 йил 1 августдан жорий қилинган тўзатувчи коэффицентлардан республикамиздаги барча туман ижтимоий таъминот бўлимларида фойдаланилмоқда.

Сирдарё вилояти Ховос туманида тиббий хизмат кўрсатиш яхшиланмоқда. Кунни кеча бу ердаги «Фарҳод» қишлоғида 5,5 минг аҳолига хизмат кўрсатадиган қишлоқ

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Уни куриш ва замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш учун қарийб ўттиз миллион сўм сарфланди.

ЁШЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Республика «Маънавият ва маърифат» маркази Тошкент Давлат университетида «Халқаро терроризм ва диний экстремизмнинг минтақа хавфсизлигига таҳдиди» мавзусида талаба ёшлар билан баҳс-мулоқот ўтказди.

Мулоқотда Қирғизистон жанубида юз берётган воқеаларга мурошабат билдирилиб, халқаро терроризмнинг минтақа тинчлиги ва

барқарорлигига жиддий хавф солаётгани, қабиҳ ниятли ёвуз кучларнинг хатти-ҳаракатларидан доимо огоҳ бўлиб яшаш лозимлиги таъкидланди. Зеро бепарволик ҳеч қачон яхшиликка олиб келмаган, дейилди мулоқот давомида. Тарих бизга бу борада кўп сабоқ беради. Халқимиз оғир ва машаққатли тарихни бошдан кечирди. Шўкрки, мустақил бўлиб, янги овоз ва обод жа-

миятни барпо этаямиз. Эндиликда ёнаторфда бўлаётган воқеаларга хушёрлик билан қараб, Ватанимиз тараққиётини таъминлаш ва юртимиз осойишталигини сақлаш, авайлаш ҳамда мустақамлашда ҳар бир ватандошимиз, шу жумладан, ёшлар ҳам фаол бўлишлари зарур.



(ЎЗА)

Маълумки, Қўнғиротда йирқи санает корхонаси - Қўнғирот сода заводи бунёд этилмоқда. Тикланаётган шаҳарчада 1200 дан зиёд қурувчилар меҳнат қилмоқда. Уларни ўз вақтида иссиқ ва хуштаъм нонлар билан таъминлашни кўзлаб Қўнғирот ун заводи бу ерда янги цех очди. Цехда кунига 600 килограмм латлари ишлаб чиқарилиб, қурувчилар дастурхонига тортиқ этилмоқда.

Суратда: новвой Собит Юсуфбоев.

Б.ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Бугунги кунда ўз миллий қонунчилигимиз ва халқаро андозалар асосида одамларимизнинг, сайловчиларнинг сиёсий савияси ва маданиятини ошириш, уларнинг ўз конституцион ҳуқуқларини англаши энг муҳим ва долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Ислом ҚАРИМОВ

Бизда миллий давлатчилигимизни куриш жараёни сиёсий тизим ислохоти - сайлов қонунчилигини ишлаб чиқариш билан ўзвий ва мантқий бирликда олиб борилди. Эндиликда республикамизда сайлов қонунчилигининг янги маълуми қозғалди: 1991 йилда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси референдуми тўғрисида», 1993 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида»ги, 1994 йилдаги «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кен-

гашларига сайлов тўғрисида»ги, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, 1998 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонунлар шулар жумласига кирди. Айниқса, Олий Мажлис ҳамда маҳаллий давлат вакиллик органларига сайловлар тўғрисидаги қонунлар мамлакатимизнинг мустақил ривожланиш йўлига ўтиш жараёнида унинг конституциявий уфқлари аниқланган шароитда ишлаб чиқилганини ҳамда республиканинг Конституцияси асосида қурилганини таъкидлаш жоиздир. Маълумки, демократик,

эркин, ҳалол ва рақобатли сайловларнинг халқаро маром ва мезонлари БМТ, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти Парламентлараро Иттифоқи ва бошқа халқаро ташкилотларнинг ҳужжатларида белгиланган. БМТнинг 1948 йил 10 декабрдаги Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси, 1963 йил 20 ноябрдаги ирлик камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги Декларацияси, 1994 йил 26 апрелдаги Парламентлараро Иттифоқи томонидан қабул қилинган эркин ва адолатли сайлов мезонлари тўғрисидаги Декларацияда ўз ифодасини топган.

Юқоридаги қонунларнинг конституциявий негизини Асосий қонунимизнинг XXI, XXII боблари, унинг 77-моддаси ташкил этиб, улар «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси»нинг 21 моддаси 3-бандидаги «Халқ иродаси ҳуқуқат ҳокимиятининг негизи бўлмоғи лозим, бу ирода вақти-вақти билан бўладиган ва сохталаштирилмаган сайловларда ўз аксини топиши, ушбу сайлов ва тешиқ сайлов ҳуқуқига қўра, яширин овоз бериш эркинлигини таъминлайдиган бошқа тенгма-тенг шакллар воситасида ўтказилиши керак» деган умумэтироф этилган қоида билан уйғунлашгани эътиборга лойиқдир.

1994 йилда ўтказилган сайлов жараёни амалиётида аниқланган баъзи камчилик ва нотўғал ҳолатлар Олий Мажлис томонидан халқаро ташкилотлар ва мутахассислар таъсирисига қўра мавжуд сайлов қонунчилигига 1997 йил 26 декабр, 1999 йил 19 августда киритилган қўшимча ва ўзгаришлар орқали бартараф қилинди.

1994 йилда ўтказилган сайлов жараёни амалиётида аниқланган баъзи камчилик ва нотўғал ҳолатлар Олий Мажлис томонидан халқаро ташкилотлар ва мутахассислар таъсирисига қўра мавжуд сайлов қонунчилигига 1997 йил 26 декабр, 1999 йил 19 августда киритилган қўшимча ва ўзгаришлар орқали бартараф қилинди.

дан ажралиб туради. Парламентлар қўриб турганингдак ранг-баранг бўлса, аммо уларнинг барчаси давлат идора усулида муҳим ижтимоий вазифа-қонун чиқарувчи ҳокимият вазифасини ўтайди. Шу ўринда аксарият мамлакатларнинг парламент институтига эга эканлигини таъкидлаб ўтмоқ жоиз. Ҳозир ер курашидаги мавжуд 200 га яқин давлатнинг қарийб 170 тасида олий қонун чиқарувчи вакиллик органлари - парламентлар бор.

Бой сиёсий ва давлатчилик аъналарига эга бўлган Шарқ мамлакатларида ҳам давлат бошқарув тизимида парламент сингари ва ўта ўқшаш тузилмалар бўлган. Хусусан, сартанат соҳиблари кенгаш тартибидеда фаолият юргизган маълум соҳалар бўйича маслаҳатчиларни ўз саройларида тутганлар. Кенгаш тартибидеда шариат ва фикс илмининг билимдонлари, тарихчилар, қалам аҳли, олимлар ўрин олган бўлиб, улар қўлини адабиётларда «Сарой» хизматчилари» ёки «Сарой мулозимлари» деб


юритилган. Масалан, Амир Темура кенгаш аъзоларини махсус фармон асосида ўн икки табақа вакилларидан тайинлаб, кенгаш ёки қурултойида уларнинг ҳар бирини илми ва жамиятда тутган маквеига қараб, қаердан жой олишигача аниқ белгиллаб қўйган. У ўз «Тузук»ларида да ҳам жаҳон ҳуқуқий амалиётини унутули фойдаланиб, халқаро маромларга жавоб берадиган парламент Олий Мажлисининг ҳуқуқий макоми, уни тузиш тартиби, ваколат доираси 1992 йил 22 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида»ги конс-

САЙЛОВ

ҳар бир тадбир ва ишни кенгашиб маслаҳатига асосан олиб борганини ва ворисларига ҳам келажакда унга қатъий амал қилишни тайинлаганлиги ҳақида ёзади. Парламентнинг қонун чиқарувчи орган сифатидаги аҳамияти унинг жамиятда ҳуқуқ-тартиботни мустақамловчи халқ ҳокимиятичилигини амалга оширишда яққол намоён бўлади. У мамлакат ҳаётини қонун йўли билан тартибга солиб, ҳуқуқий давлатни шакллантиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси давлат ва жамият турмушининг хилма-хил соҳаларида, давлат қурилиши, иқтисодиёт ва молия, ижтимоий-маданий қурилиш, ташқи муносибатлар, муҳофа ва давлат хавфсизлиги соҳаларида катта ҳуқуққа эга бўлиб, умуман Ўзбе-

Бугун - Ўқитувчилар ва мураббийлар куни



Дунёдаги ҳар бир касбнинг ўз ўрни ва қадриятлари бор. Аммо, яна шундай бир касб борки, уни ер юзидеги барча ганжу хазина билан ҳам баҳолаб бўлмайди. Шундай бўлса-да, бугун барча ўқувчилар, ота-оналар мазкур мактаб жамоасини қутлуғ байрам билан табриклашди.

Дунёдаги ҳар бир касбнинг ўз ўрни ва қадриятлари бор. Аммо, яна шундай бир касб борки, уни ер юзидеги барча ганжу хазина билан ҳам баҳолаб бўлмайди. Шундай бўлса-да, бугун барча ўқувчилар, ота-оналар мазкур мактаб жамоасини қутлуғ байрам билан табриклашди.

барлик қилаётган мазкур мактабда таълим 4 тилда - ўзбек, қозоқ, рус ва корейс тилларида олиб борилади. Таълимнинг бундай тармоқлашиб кетган тизимда олиб борилишига қарамай, 290-мактаб жамоаси барча кўрсаткичлар бўйича пешқадимликни қўлдан бермай келибди.

Темур ҚУРБОН, «Ишонч» муҳбири.

МЕҲР АРДОҒИДА

айтганларидек, юз минг ганжу хазина билан ҳам баҳолаб бўлмайди. Шундай бўлса-да, бугун барча ўқувчилар, ота-оналар мазкур мактаб жамоасини қутлуғ байрам билан табриклашди.

СУРАТЛАРДА: 1. 290-МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ ЎЗ УСТОЗЛАРИНИ ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ БАҲОНАСИДА БУЎНГА ҚИЙИШ

Суратларда: 1. 290-мактаб ўқувчилари ўз устозларини ўқитувчилар ва мураббийлар куни баҳонасида буўнга қийишди. 2. Чилонзор туман ҳокимлигининг фахрий ёрлиғи ва қимматбахо совғасига сазовор бўлган 181-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Дилором Асророва.

Ўзбекистонимиз мустақилликка эришган вақтдан бери республикада чуқур сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар содир бўлди. Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий Кўмитаси, унинг жойлардаги ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлар касба уюшма кўмиталари ҳам иқтисодиётни қайта қуриш ишига ўз улушларини қўшмоқдалар ва айни вақтда, бозорга ўтиш шароитларида педагог ходимларнинг манфаатларини йўқотмаслик ва ҳимоя қилишда муайян тажриба тўпладилар.

«Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг «Таълим жараёни катнашчиларини ижтимоий ҳимоя қилиш» деб номланган бобида таълим ходимлари, ўқитувчилар, етим болалар, жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсонли, ижтимоий ёрдамга ва тикланишига муҳтож шахсларни иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилишдек муҳим масала диққат марказига қўйилганки, бу ҳам мустақилликнинг таъминлаши, ҳалқ таълими бошқарма, бўлимлари билан ҳамкорликда барча ма-

татида «Кам таъминланган тармоқ ходимлари фарзандларини ўқув дарслик билан таъминлаш тўғрисида» қарор қабул қилди. Мазкур қарорни бажариш борасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар касба уюшмалари кўмиталари иттифоқ савдоси идораларига 10 миллион сўмдан ортиқроқ маблағ ўтказдилар ва 9 мингга яқин комплекс ўқув дарсликлари олиб бердилар.

Барча вилоятларда бюджетдан ташқари маблағлар ишлаб топиш, ўрта ва кичик корхоналар ташкил этиш, тадбиркорлик бўйича ишлар олиб бориш йўлга қўйилган.

Кам таъминланган ўқитувчилар ижтимоий ҳимояга олинмоқда. Масалан, Наманган вилояти касба уюшма кўмитаси шу даврда 400 дан ортиқ педагогларга банклардан ссуда (қарз) олиб берган, Хоразм вилоятида ҳалқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш билан шуғулланиш натижасида олинган 3,6 миллион сўмлик даромаддан Гурлан, Хива, Хонқа тумани ўқитувчилари ҳам манфаат кўрганлар. Андижон вилояти кўмитаси табиий офат натижасида кўрилган зарарни қоплаш мақсадида 94 нафар ходимга 89 минг, 121 нафар ногиронга 120 минг, 220 нафар ходимга 230 минг 500 сўм моддий ёрдам кўрсатган.

Лекин бу деган сўз ҳамма нарса жойида деган маънони англатмайди. Муаммолар ҳам йўқ эмас. Шаҳар умумтаълим мактаб ўқитувчиларининг шаҳар транспортидан имтиёзли (бепоул ойлик чипталари билан таъминлаш) фойдаланиши, педагог ходимларнинг шахсий уй қуриш учун ер майдонлари ажратиб бериш, ўқув муассасалари педагогик ходимлари ва ишчи-хизматчиларига ойлик-маошлари, нафақалар ва 15% лик меҳнат фойзидан рағбатлантириш пулларини тўлашда узилишлар содир этилмоқда.

Педагогик ходимларнинг яшаб турган уйларида имтиёзли фойдаланиб турибдилар. Давлат, ташкилот ва муассасалар уйлари 120 мингдан ортиқроқ педагог ходимлар хусусийлаштириб олганлар, 40 мингдан ортиқроқ ўқитувчилар шахсий қурилиш учун ер майдонлари билан таъминланганлар.

Хукуматимизнинг 1998 йил 5 январдаги «Узлуксиз таълим тизимини дарслик ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни таъминлаштириш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ 1998-1999 ўқув йилининг 1 сентябрдан бошлаб ўрта умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш пулини шаклга ўтказиш муносабати билан Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий Кўмитаси 1998 йил 9 июндаги Раё-

МУАЛЛИМ - МИЛЛАТНИНГ ЮЗИ

Унинг ҳурматини жойига қўйиш ҳам қарз, ҳам фарз

тақил Ўзбекистонимизда инсон манфаати юксалигини, унинг қадриятини ҳар доим эъзозда эканлигини яна бир қарз ва намоиш этади. Юртимизда орден ва медаллар билан тақдирланган орасида педагог ходимларимизнинг сони тобора ортиб бораётганлиги ҳам ушбу эътиборни тасдиқлайди.

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий Кўмитаси ҳар йили Олий ва ўрта махсус ҳамда Ҳалқ таълими вазирликлари билан шартнома (битим) тузади. Унда таълим олувчиларнинг ўқиши ва педагогларнинг меҳнат қилиши, соғлиги ва дам олиши учун шарт-шароитлар яратиш масалалари тўғрисида ўз ифодасини топади.

Тадбирлар кўп. Унда имкони борича ўқитувчиларнинг хоҳиш-интилишларини ҳисобга олишга ҳаракат қилинмоқда. Масалан, декабр ойида «Йил мактаби кўрик-танловини ўтказишни режалаштирганми». Ҳалқ таълими вазирлиги ташкилотлари ходимлари ўртаклида эса мунтазам равишда мини-футбол баҳслари ўтказиб турилибди.

1999 йилнинг «Аёллар йили» деб эълон қилиниши муносабати билан касба уюшма кўмиталари жамоат ташкилотлари, маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда кўп фарзандли, ижтимоий ёрдамга муҳтож оилаларни алоҳида ҳисобга олиб, ўқитувчиларга бериладиган имтиёزلардан тўла фойдаланиш, ўқувчи, талабаларнинг пухта билим олишлари учун имкониятлар яратиш, бундай ўқувчи, талабаларни ижтимоий ҳимоялашда ҳимий

Ю. АХМЕДОВ, Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий Кўмитаси бош мутахассиси.

ШОГИРДЛАР УСТОЗ ҚАНОТИ

85 баҳорни қаршилаган таниқли педагог, халқ таълими аълочиси Фахриддин ота Нуриддин бугун кексалик гаштини сурмоқда. Ўқитувчилар ва мураббийлар куни баҳонасида устоз билан дийдорлашиш учун хонадонига бордим.

«Эй, бормисиз, уч-тўрт кундан буён сизни эслаб турган эдим, - дея очик чеҳра ила қарши олди Фахриддин ота.

Шу зайдан бошланган суҳбатимиз узоқ давом этди. Иккамиз ҳам ўта масъулиятли касбни танлаган эканмиз. Аммо сира афсусланмайман, - давом этди кекса муаллим салмоқлини.

Тўғри айтдингиз. Муаллимлик савобли касб! Чунки фарзандларни ахлоқли, илмли қилишга ҳисса қўшамиз. Ахир, Абдурахмон Жомий:

Жаҳонда бўлмаса муаллим агар, Хаёт ҳам бўлмасди гўзал бу қадар, - деб бежиз айтмаган.

Ҳа, алломанинг бу ҳикматида олам-олам маъно мужассам. Бироқ, муаллим меҳнати ҳосилини шогирдлари камолга етган кўраркан. Сиз билан менга ҳудойим ана шундай бахтли кунларни насиб этди.

Ҳа, бутун умрини маърифат йўлига бахшида этган, 20 га яқин набири ва эварларнинг меҳрибон бобоси - кекса мураббий ўтган умридан минг бора рози. Зотан, Фахриддин ота пойтахтдаги 11-ўрта мактабда илмий бўлим мудири ва мактаб раҳбари бўлиб ишлаган чоғларида таълим-тарбия берган академик Абдували Абдуваҳобов, таниқли режиссёр Мираббос Мирзааҳмедов, ёзувчи Хуршид Дўстмухамедов, ТошДУ доценти Саминжон Султонов, моҳир журналистлар Солиҳ Ёқубов, Носир Рихсиев каби шогирдлари билан фахрланганимиз.

Ҳамидулла Йўлдошев, фахрий педагог.

кистон Конституцияси томонидан бериладиган барча ваколатларни амалга оширади. У давлатнинг энг муҳим органларини тўзишда, уларнинг шахсий таркибини белгилашда иштирок этади.

ҚОНУНЧИЛИГИ

унга киритилган муҳим ўзгаришлар

сининг давлат органлари тизимига тўлган ўрнини яққол кўрсатади.

Аммо Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида кўнун чикариш фаолияти ўз аҳамиятига кўра, у амалга оширадиган бошқа вазифалар орасида устувор ҳисобланади.

Олий Мажлис томонидан қабул қилинадиган қонунлар қанчалик сифатли ва пухта, чуқур ишлаб чиқилса, жамиятнинг ривожланиши ҳам шунчалик жадал, илдам бўлади. Қонунларнинг салмоғи эса бўлажак депутатларнинг

бининг анча қисмини ҳуқуқшунослар (25 фойздан - 50 фойдгача) ташкил қилади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида»ги ва «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгаширига сайлов тўғрисида»ги Қонунларда сай-

лов компаниясини ташкил қилиш ва ўтказиш тартибига оид масалалар муфассал ёритилган.

Халқнинг бевосита ишончи халқ депутатлари ваколатларининг ижтимоий манбаи бўлиб, депутатларнинг давлат мисқидига обрў-эътиборининг негизи ҳисобланади. Олий Мажлисининг депутатлари Республика вакиллик органларининг бошқа депутатлари каби умумий, тенг, турғидан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланишлари депутатлик фаолият-

нинг демократик асосларини мустаҳкамлайди.

Энг муҳими эркин сайловлар халқ ҳокимияти, унинг иродасининг бевосита юксак ифодаси ҳисобланади. Президентимиз таъкидлаганидек, «Хар қайси овоз берилган инсон у кимга овоз беришидан қатъи назар, Президент номзодигами ёки депутат номзодигами - аввало ўз хоҳиш иродасига суяниб, ўз иймонига суяниб овоз бериш» ва онгли равишда мустақил.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатларининг сони 250 га қилиб белгиланган.

Маҳаллий кенгашларда яъни халқ депутатлари, вилоят ва Тошкент шаҳар кенгашларида 60 тадан, халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашларида депутатларнинг сони - 30 тадан кўп бўлмаган ҳолда белгиланган. Барча депутатлар сайловчиларининг сони тенг бўлган сайлов округлари бўйича сайланадилар. Яъни, сайлов бирликлари депутатлар сайланадиган округлардан вакиллик нормаларига муво-

ласига сайловлар чоғида 25 ёшга тўлган, маслаҳатчилар палатасига эса 30 ёшга тўлган фуқаролар сайлов ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Шуни айтиш керакки, сайловга аниқ мазмун киритувчи, муҳим аҳамият касб этадиган дастлабки босқичда, яъни депутатлар сайловини тайинлашдан бошлаб депутатликка номзодлар кўрсатиш, уларни рўйхатга олишга қадар бўлган даврга қадар сайлов қонунини нормалари илк бор бир қатор янгилар билан бойитилди.

Сайлов қонунчилиги қилинган муҳим ўзгаришлардан бири депутатликка бевосита фуқаролар томонидан номзодлар кўрсатиш мумкинлиги, яъни мустақил номзодлар сайловларда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлишидир.

Илгари эса депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига фақатгина Олий Мажлис учун сиёсий партиялар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига

н яқиндан ёрдам беришлари, номзодларнинг ўз ишончли вакилларини белгилаши (Олий Мажлис депутатлигига номзодга - 5 нафар, маҳаллий ҳокимият органи номзодлигига 3 нафар), транспортда текин юриш каби қаролатлар ҳам мустаҳкамланган.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, халқ ҳокимиятчилигининг конституциявий принципларининг рўбга чиқиши адолатли ва демократик сайловлар орқали ҳокимият идораларининг шаклланиши учун муҳим сиёсий ҳуқуқий, иқтисодий-иқтисодий аҳборот шароитлари ҳуқуқий жиҳатдан яратилган бўлиб, бўлажак сайловларни юқори даражада ўтиши учун хизмат қилади. Сайловлар мамлакатимизда фуқаролар бирлиги, миллий тўтовлик ва оқсоқланик, халқимизнинг бунёдкорлик фаолияти ҳужунга бир муҳитда ўтаётганлиги истискоқлимига бўлган ишончнинг янада мустаҳкамлайди.

Омонулла МУХАММАДЖОНОВ, юридик фанлари номзоди, доцент.

ЭЪЗОЗ

Хозирги кунда барча маҳаллаларда савоматлик хоналари ташкил қилинган бўлиб, у ерда тажрибали врачлар, малакали мутахассислар маҳалла ахли билан жонли мулоқот ва мазмунли суҳбатлар ўтказиб туради. Қизил Ярим ой жамиятининг туман бўлими ходимлари эса кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни бепул тиббий кўриқдан ўтказиш ва текин дори-дармонлар билан таъминлашни йўлга қўйган. Яқинда шундай оилалардан бир гуруҳи Ибн Сино номидаги диагностика марказида тиббий кўриқдан ўтказилди ва уларга дори-дармонлар берилди.

Бундан ташқари 12 та маҳалла ахлига зарур кийим-кечак ва дори-дармонлар текинга тарқатилди. Қизил Ярим ой жамиятининг туман бўлими кексаларини мизни эъзозлаш, уларнинг ҳаётий тажрибаларини кенг халқ оmmasига ёйиш, демаски, маърифий-маънавий йўналишда ҳам қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда ўтказилган «Қари бор унинг зари бор» ёки 289-мактаб жамоаси билан биргаликда уюштирилган «Муаллим-маънавият кўзгуси» каби тадбирлар шулар жумласидандир.

Қизил Ярим ой жамияти фаолият доирасининг кенгайишида «Олтин мерос», «Нуроний» жамгармаларининг туман бўлимлари, хотин-қизлар кенгаши ҳамда мактаблар маъмуриятининг ўзига хос ўрни бор. Чунки ҳаммамизнинг мақсадимиз муштарак: умр бўйи фидокорона меҳнат қилиб эндиликда қарилк гаштини сураётган кексаларимизни эъзозлаш, ҳурматини жойига қўйиш, уларнинг юзларига табассум, қалбларига қувонч бахш этишдир.

Ҳадича УМАРОВА, Қизил Ярим ой жамиятининг Бектемир туман бўлими раиси.

1999 йил - Аёллар йили

МУКОФОТНИ МУНОСИБЛАР ОЛАДИ

1999 йил - Президентимиз ташаббуси билан Аёллар йили деб эълон қилинган. Бунда мамлакатимиз хотин-қизларига хурмат-эҳтиром, юксак ишонч, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш каби олижаноб максатлар ўз ифодасини топган. Мамлакатимиз раҳбарининг Фармони билан Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилгани ҳам бунинг яна бир яққол далилидир.

Дарҳақиқат, Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилиши, аввало, машҳур ўзбек шоирасига, ҳассос адибамиз тимсолида эса барча аёлларимизга, қизларимизга давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ҳеч қандай таъкидланган эркин ифодаси бўлди. Таъкидлаш кераки, дунё тарихида бундай мукофот илк бор бизнинг мамлакатимизда таъсис этилди. Мукофот юртимизда баркамол, оқила хотин-қизлар авлодини вояга етказиш, улар орасидаги иқтидорли ёшларни кашф этиш, меҳнатини, ижодини, Ватанимиз раванки йўлидаги ибратли фаолиятини кенг рағбатлантиришга қаратилган.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси қошида жамоатчилик асосида фаолият кўрсатаётган комиссия томонидан Зулфия номидаги давлат мукофотиغا номзодларни тақдим этиш йўллари белгилаб берувчи махсус ҳужжат ишлаб чиқилди. Унда номзодларга қўйилаётган умумий талаб ва мезонлар, танлов ўтказиш босқичлари аниқ кўрсатилган. Мазкур ҳужжатга бинаоан адабиёт, санъат, фан, таълим ва маданият соҳалари бўйича алоҳида-алоҳида гуруҳлар тuzилиб, уларга ушбу соҳаларнинг энг кўзга кўринган намоёнлари киритилди.

Ардоқли шоиримиз номидаги мукофот мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртиларида таълим олаётган, корхона, ташкилот ва бошқа муассасаларда хизмат қилаётган, олижаноб инсоний фазилатлари, зукколиги, донолиги, ташаббускорлиги, ўқишдаги муваффақиятлари, эркин истеъдодини намоийш қилиши билан бирга, истиқлол ёлларини амалга ошириш йўлида фидокорона меҳнат қилаётган 25 ёшга бўлган иқтидор соҳибаларига ўз соҳасида эришган алоҳида ютуқлари учун берилди.

Номзоднинг илмий-ижодий иши ўзининг янгилиги, илмий-амалий аҳамияти, халқимиз маънавиятини янада юксалтиришга хизмат қилиши, жамиятимизда олиб борилаётган ижтимоий, иқтисодий, маданий ва маърифий ислохотлар моҳиятини очиб бериши керак.

Адабиёт бўйича мукофотга тавсия этилаётган асарлар эса гоёвий-бадиий жиҳатдан юксак, муаллиф дунёқарашининг ўзига хослиги, бугунги воқеликда рўй бераётган улкан ижодий ўзгаришларни акс эттириши, шунингдек, ўзига хос бадиий-эстетик изланишлари билан ажралиб туриши зарур. Санъат, маданият, фан ва таълим бўйича мукофотга тавсия этилаётган асарлар ҳам юксак талаблар даражасида бўлмоғи лозим.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти тақдим этилган асарлар танлови учун босқичда ўтказилади. Жумладан, биринчи босқич мактабларда, лицей ва коллежларда, олий ўқув юртиларида, корхона ва бошқа муассасаларда ўтказилиб, голиблар номзоди туман, шаҳар, вилоят ташкилотларига тавсия этилади. Сўнгги номзодларнинг ишлари вилоят комиссиясида қўриб чиқилади ва Республика комиссиясига тақдим этилади.

Зухра УСМОНОВА.



КУЛОЛЛАР СУЛОЛАСИ

Уста Нарзуллаевлар оиласини нафақат Гиждувон туманида, балки республикамизда, қолаверса хорижда ҳам яхши билишади. Чунки бу оиланинг ўзбек миллий кулолчилик ривожига катта ҳиссаси бор. Шу боис улар турли халқлар кўргазмаларида ўзлари ишлаган уй-рўзгор идишларини намоийш этиб, кўп бора юқори ўринларга сазовор бўлдилар.

Кулолчилик - уларга ота касб. Бугунги кунда уста Абдулла Нарзуллаев фарзандларига, шогирдларига бу ҳунарни-

нг сир асрорини ўргатмоқда. Яқинда эса Абдулла ака кулолчилик мактаби очди. У бобокалон шоиримиз Алишер Навоийга тегишли ушбу сатрларни кўп эслайди:

«Хунарни асрабон кетгумдир охир, Олиб тупроққаи кетгумдир охир.»

Суратда: Уста Абдулла Нарзуллаев киз Шайходада ўз касбига меҳр уйғатмоқда.

С.ЗУФАРОВ (ЎЗА) олган сурат.

Касаба уюшма спорти

Чирчиқдаги Ўзбекистон каттик қотишмалари ва ўтга чидамли металл комбинати спорт мажмуи Тошкент вилояти металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари спортчилари билан гавжум бўлди. Бу ерда мазкур тармоқ касаба уюшмалари ташаббуси билан ишчи спартакиадаси ўтказилди. Унда Тошкент вилоятидаги корхоналарда ўтказилган мусобақаларнинг голиблари иштирок этдилар. Футбол, волейбол, шахмат, тош қўтариш, сузиш, энгил атлетика, кураш бахсларида ишчи-хизматчи спортчилар ўз маҳоратларини намоийш этдилар.

Чирчиқ ўтга чидамли ва каттик қотишмалари металлургия бинати футболчилари биринчи ўринда бўлди.

Совринли ўринга давронгар эканликларини катий билдириб қўйдилар. Уйиндан-уйинга «очиқлик» борган чирчиқликлар чемпионлик шарафига муяссар бўлишди. Умуман олганда, металл комбинат вакиллари спортнинг бошқа турларида ҳам фаол қатнашиб, дастлабки турларданок пешқадам бўлиб олдилар. Улар энгил атлетика, кураш, шахмат, аёллар волейболи турлари бўйича биринчи ўринларни эгаллаб, умумжамоа ҳисобида спартакиада голиб бўлдилар.

Олимпиада кон металлургия комбинатида жисмоний тарбия ва спорт яхши йўлга қўйилган. Унлаб спорт турлари бўйича спорт тургараклари мунтазам

фаолият кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам спартакиадада олимпиадалар аjoyиб муваффақиятларга эришдилар. Сузиш, тош қўтариш бўйича жамоа ҳисобида биринчи, энгил атлетика, аёллар волейболи бўйича иккинчи ўринни эгалладилар. Спортнинг саккиз тури бўйича қатнашган бўлсалар, етти тури бўйича совринли ўрин насиб этди.

Шахсий мусобақаларда Ўзбекистон ўтга чидамли ва каттик қотишмалари металлургия комбинати шахматчиси Р.Рашидов аjoyиб комбинацион ўйинлар кўрсатиб голиблик тожини қийди. Айниқса, кураш бўйича мусобақалар кизгин ўтди. Тенгма-тенг олишувларда юқори маҳорат кўрсатган майдон эгаларидан Н.Степин, С.Собиров ва бекободлик Р.Ўринов ўз вазн тои-

фаларидан хошхушнинг энг юқори поғонасидан ўрин олдилар.

Тош қўтариш спорти баҳсида эса, эртақлардаги каби паҳлавон келбати Олимпиада кон-металлургия комбинати спортчиси А.Хардин ва Бекобод металлургия вакили Р.Калмуржаевларга тенг келди.

Спартакиадани ўтказишдан мақсад, - деди у, - жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ходимларини жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, шу орқали меҳнат жамоаларида турли касалликларнинг олдини олиш, пировардида «Соғлом авлод учун» Давлат дастурини бажаришидир.

Биз мусобақаларни кўзатган, жамоалар ишлари билан танишар эканмиз, бу борада касаба уюшмалари корхоналар жамоалари билан ибратли ишлар қилаётганларнинг гувоҳи бўлдик.

Б.СОЛХОВ.

СПАРТАКИАДА ГОЛИБЛАРИ

СУВДАН КЎРА ЧОЙ МАЪКУЛ

Балиқ, гўшт ва сариёғли таомлардан, хусусан, паловдан кейин совуқ сув ичиш яраммайди. Баъзилар ёғлик паловдан сўнг совуқ сув ичишга ўрганиб қолганлар, ҳатто Самарқанд ва Бухорода шундай одат ҳам бор. Бундай кишилар дастурхонга палов билан бирга катта қосақ-келтирадилар ва ошни сув билан қўшиб истеъмол қиладилар. Буни улар: «Гуруч сувга экилади ва у доимо сув ичида этилади, пиширганда ҳам сувда пиширилади, агар гуруч еган киши устидан яна сув ичиб юборса, у янада тўйимли бўлади», деб исбот қилмоқчи бўлади.

Тажрибали врачларнинг фикрича, гастрит, ичак яраси каби касалликлар кўп ҳолларда сариёғ ва гўшти таомлардан сўнг совуқ сув ичиш натижасида пайдо бўлади. Бу таомлардан кейин иссиқ чой (айниқса, кўк чой) ичган маъқул.

Хар бир хонадонда бўлмасда, лоқал ҳар бир фуқаролар йиғинида (ҳозирги пайтда «Туғилганлик ҳақида гувоҳнома»лар фуқаролар йиғини идораларида ёзилаётган) боғча, мактаб, ўқув юртиларида, Нихончи, корхона, муассаса, ташкилот ва идораларда, кутубхоналарда бу китобдан камидан биттадан туриши шарт! Ана шундагина ҳақиқий кўзланган мақсадга эришилади. Қомусий китобнинг яна бир муҳим жиҳати - мавжуд исмларнинг аниқ пайтда лотин алифбосида ёзилиш тартиби ҳам кўрсатилган!

Хар қандай камин ишда ҳам ўзига яраша қамчилик-нуқсонлар учраши мумкин. Хусусан, «Ўзбек исмлари» китобида ҳам озми-кўпми майда-чўйда қамчиликлар кўзга ташланади. Масалан, китобнинг 322-бетда ўзбекистон Олқар деган исмининг маъносини «Алқар деган исмига қаран» деб ўтилдида, афсуски, тегишли саҳифада бу исм умуман ёзилмаган. Балки, мусоҳибуларнинг айби билан тушуриб қолдирилган. Шунингдек, сиз-у бизга маълум бўлган айрим исмлар ҳам китобга умуман киритилмаган.

Миллий кадрларнинг миз чинакам қадр топаётган даврда Эрст Азим ўғли Бегматовнинг «Ўзбек исмлари» қомусий китоби шак-шубҳасиз улкан ижодий меҳнат маҳсули бўлганини тан олмоғимиз лозим. Кадрларимиз чинакам қадр топишида бу китоб ўзига хос дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Тўқин ЭШБЕК, Ёзувчи, Усмон Носир мукофоти лауреати.

Набихон отанинг вафот этганиги муносабати билан чуқур таззия изхор этади.

Сирдарё вилоятида жойлашган «АДЮ» масъулияти чекланган жамият тугатилади. Эътирозлар эълон қилган кундан бошлаб бир ой мuddат ичида 195-02-59 телефони орқали ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Хар тўғрида САЙРОҚИ ҚУШААР

Канарейка донхўр қуш бўлиб, чумчиқсимонлар туркумига кирди. Катақларда туқунликда яшашига қарамай, бемалол кўпаяверади.

Канарейканинг асл ватани Африка қирғоғининг шимоли-ғарбий томонида жойлашган Конарий оролидир. Унинг номи ҳам ана шу орол номи билан аталади.

Канарейкаларни Европага XV асрда испанлар олиб келишган. Орадан кўп вақт ўтмай у Ғарбий Европага тарқалади.

Баъзи хонадонларда сайратма бедана асралади. Бедана қирғовуллар оиласига мансуб қушлардан бўлиб, ер юзидан кўпгина ўлкаларда учрайди. Табиатда беданаларнинг бир қанча зоти бор. Улар яшаш жойларининг географик ва табиий шароитига мослашиб, ўз турларини ўзгарилади. Ўзбекистон беданаларининг туси тупроқ рангида бўлиши ҳам шундан бўлса керак. Баҳор келиши билан бедананинг тухум қўйиш даври бошланади. Бу даврда нор беданалар макиён қақчириб, кечкурун ва эрталаблари кўп ва зўқ сайрайди.

Шўролар даврида хар бир гудак дунёга келгани ҳамоно унга биринчи ҳужжат - «Туғилганлик ҳақида гувоҳнома» ёзиш қўнунлаштирилган. Бу яхши, албатта. Бироқ, навабдаги жамийи ҳужжатларнинг дебочаси ҳисобланмиш уша энг муҳим ҳужжатга аксар ҳолларда исм - шарифлар қўриқона хато ёзилаверган. Бу хатolik пайти келиб авлодлар учун «муҳрланган мерос» га айланаётгани жуда ачинарли, таъбир жоиз бўлса, ташвишли ҳолдир. Айтайлик, Тоҳир исми болаларнинг ҳужжатларида «Тахир» деб ёзилиб қолган. Ахир, «Тахир» деган сўзининг она тилимизда маъноси бор. Яъни, аччиқ, ақчим-тил, бемаза деган маъноларни англатишини ҳамма билади. Холтураев - Халтураев, Холтоев - Халтаев, Тухтаев - Тахтаев, Бобоев - Бабаев «булиб қолгани»ни, бошқа исм-шарифлар хатто бундан ҳам баттар эканини қандоқ изоҳлаш мумкин?..

«Ўзбек исмлари» китоби сўнггида берилган «Исм ва фамилия танлашининг айрим муаммолари» сарлавҳаси мақолада (604-бетда) шундай ёзилган: «Туғилганлик гувоҳномаларида, паспортлар ва бошқа хил расмий ҳужжатларда анъанавий шаклларда расмийлантирилган ёки хато ёзилган исми-шарифлар анъанавий... Иسمи - шарифлар билан алоқадор муаммоларнинг ҳал бўлиши кўп жиҳатдан ФХХ идоралари, қишлоқ кенгашлари йиғинлари ва паспорт бўлимидаги номларнинг расмий ҳужжатларда қайд қилувчи кишиларнинг мутахассислик малакаси ва имловий савиясига боғлиқ. Улар (Давоми. Боши ўтган сонда)

фуқароларнинг исми-шарифларини қайд қилиш ва тўғри ёзишда оқилона иш туттилар, ўз шахсий мулоҳазаларига ёки баъзи нотўғри маълумотларга ёпишиб олмасликлари лозим». Бағоят доно фикр. Таассуфки, ҳаётимизнинг худди шу қатламидега улкан МУАММО кўндаланг турибди.

Биринчиси, фуқароларнинг исми-шарифлари эски - Собик СССР паспортлари қандоқ (қанақа хатolik!) билан ёзилган бўлса - янги Ўзбекистон Паспортига ҳам айнан шундай, харфма-харф (хато-патоси билан) кўчирилмоқда.

Иккинчиси, янги туғилган қачалоқларнинг илк ҳужжати - «Туғилганлик ҳақида гувоҳнома»сига исми арифини ёзишда аввало ота-онасининг Паспортларидан (имловий хатolikларини ҳам!) айнан кўчирган ҳолда ёзмақдалар. Бу муҳим ҳол юртимиз мустақиллигининг саккизинчи йилда ҳам давом этмоқда!

Натижада, миллий исми-шарифларимиз ёзилишида қайта кўпимилловий хатolikлар узлуксиз давом этаётган. Ахир, хар кун юртимизда минглаб ўғил-қизларга, фуқароларга «туғилганлик ҳақида гувоҳнома», Фуқаролик паспорти, Урта маълумоти тўғрисида шаходатнома, Нихончи қозғоши, Кайсидаги ўқув юртини таъмоллаганиги ҳақида диплом (аксарият илмга чанқоқ инсонлар икки-уч ўқув юртидан диплом олмақдалар), Ҳарбий билет, бирор партия ё уюшмага аъзолик билети, Хайдовчилик гувоҳномаси, «Техпаспорт», Меҳнат дафтари, Уй дафтари, ишонмасидан Гувоҳнома, давлолаш муассасаларида махсус дафтарлар ва

қоказолар янгидан ёзилаётган. Булардан ташқари хар кун сон-саноксиз «Турар жойдан маълумотнома», иш жойидан маълумотнома, тавсифнома, меҳнатта лаёқати бор ё йўқлиги ҳақида варақа, тўловномалар, Хизмат сафар гувоҳномаси, нотариус ва бошқа ҳуқуқий идоралардан муҳим ҳужжатлар олинди. Хар бир ишондаги хисобчи, кадрлар бўлими, хазиначи ёзиб тулдирадиган ҳужжатларга ҳам исми-шарифини албатта уша Паспортдагидек ёзилиши шарт. Ана энди бошида бир марта «адабиёт» ёзилган «Халтаев Тахирнинг шунча ҳужжатларда тақдор

анъаналарга мувофиқ ёзиш ҳуқуқига эгадирлар» деб ёзилган! Бу Қонун қабул қилинганга бу йил ролпа-рола ўн йил тулади! Маълумки, 1995 йил 21 декабрда мазкур Қонун қайтадан янги таҳрирда қабул қилинган. Унгада амал қилган Қонунимизга мувофиқ ҳам жуда кўп ватандошларимиз, миллатдошларимиз янги давр ҳужжатларини олиш шарафига мушарраф бўлганлар. Давлат тили тўғрисидаги Қонунда аввал-бошданок исми-шарифларнинг ҳужжатларда ёзилиш масаласи оқилона ҳал этилгани сир эмас. Унда шундай жумлалар қайд этилган эди: «Исмлар, ота исми ва фамилияларининг ягона тўғри шакли махсус маълумот-

қабул қилинган ўзбек имло-си нормаларини сақлаб қолиш мақсадида мувофиқдир. Масалан: Жураев, Эргашев, аммо «Джурраев», «Иргашев» эмас». Ана Сизга Қонуний изох! Бундан ортик яна қандай Қонун ё қандай талаб қиласиз!

Журналист сифатида айнан шу мавзуда қатор мақолалар ёзганман ва бу ҳақда Ички ишлар бўлимининг Паспорт бўлими мутасаддилари билан гаплашиб, фикрларини эшитганман. Уларнинг жавоблари эса таъоман бир хил: бизга шундай кўрсатма берилган, яъни эски паспортда қандоқ ёзилган бўлса, янги сизга ҳам айнан кўчиришимиз шарт! Хўш, унда шунча Қонуний ҳужжатларимизнинг аҳамияти ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўрни қандай қолди?.. Паспорт бўлимидаги қандайдир турданок деб турганларидан кейин, «Туғилганлик ҳақида гувоҳнома»ни ёздирганлар ҳам шу ғайриқонуний «одат»га амал қилдилар-да ва яна абадул-давло бўлмагур хатolik давом этаверади...

Одилона Қонунимизда ёзилган исми-шарифларимизнинг тўғри ёзилиши учун «махсус маълумотнома» ҳам дунё юзини кўрди. Бу - Эрст Бегматовнинг «Ўзбек исмлари» қомусий китобидир! Бу ватоний сифатли муқова билан рисоладагидек чоп этган «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти ҳамда «Шарҳ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси жамоаларига минг бора таҳсинлар айтганин келди. Фақат, шундай ноёб қомусий китобнинг адади бор-йўқи 5000 нуска... Наздимда бу жуда қамлик қилади.

ларда қайд этилади. Ўзбекча исмлар, ота исми ва фамилиялар бошқа тилларда берилганда, аниқ ҳолда дунёга машҳур кишиларнинг ота исми ва фамилияси ўзбек тилида берилганда уларнинг асл ёзилиш ҳусусияти сақланиб қолади. Исмлар, ота исми ва фамилияларини ёзишда ўзбек тилининг ифода ва таллаффуз қонуниятларига риоя этилади». Хўш, паспортдаги хатolikларни тўғрилади олишлари учун уша жанобларга бундан ортик яна қанақа ёрдам ё имтиёз керак? Яқинда «Адолат» нашриёти томонидан Ғафур Абдумажидовнинг «Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақида»ги Қонунига шарҳлар» деб номланган рисоласи 5000 нускада чоп этилди. Рисоланинг 26-бетидега шундай ёзилган: Қонуннинг 15-моддасига мувофиқ «Ўзбек исмлари, ота исмлари ва фамилияларида анъанавий, улум томонидан

ISHONCH MUASSIS: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси. Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ. Таҳрир хайъати: Ж.Алимуҳжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари), «Ишонч-Доверие», А.Алламуродов (масъул котиб - «Ишонч»), Ч.Латилов, М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов. ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган. Маълумот: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134. Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерда терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табақ. Сотувда эркин нархда. «Шарҳ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон кўчаси, 41-уй». Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди 22.50. Буюртма Г-0828. 1 2 3 4 5 6